



30
(1504)-son
30-iyul
2021

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOSSEN SEN,
AGAR OGOSSEN SEN, SHOSEN SEN.

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSİYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqsa boshlagan www.xabar.uz

ТАТУда ПРЕСС-КЛУБ ИШ БОШЛАДИ



28 июл куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Пресс-клубининг очилиши бўлиб ўтди. Унда ахборот технологиялари соҳаси корхона ва ташкилотлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ислоҳот

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ: РИВОЖЛАНИШ САРИ ЯНГИ ОДИМЛАР



Сўнгги йилларда "Ўзбекистон почтаси" АЖ фоалиятida янги, замонавий усулларни жорий этиш ва кўйлаш, кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш ва рақамлаштириш жараёнларига қаратилган самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада муҳим ҳужжат - Президенттимизнинг 2020 йил 14 декабрдаги "Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони муҳим дастурламал бўляяти.

Фармонга биноан, унда кўрсатилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида молиялаштириш манбаси томонидан АЖнинг 100 млрд. сўм миқдоридаги қўшимча акциялари чиқарилиши белгиланди.

3

Учинчи ташаббус

ҚАШҚАДАРЁДА ЎНИНЧИ РТҮМ

Республикамиз бўйлаб Рақамли технологиялар ўкув марказлари босқичма-босқич барпо этилмоқда. Шундай ўкув марказларидан яна бирин Қашқадарё вилоятининг Дехқонобод туманида ўз иш фаoliyatinini бошлиди. Бу вилоядта ташкил этилган ўнинчи ўкув маркази хисобланади.

Рақамли технологиялар ўкув маркази очилиш маросимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қашқадарё вилояти худудий босқармаси, Дехқонобод тумани ҳокимлиги, кенг жамоат вакиллари ҳамда шаҳар ёшлари иштирок этилди.

Мазкур марказда аҳоли ва ёшларни ҳамда давлат бошқарув органлари ходимларининг ахборот технологиялари йўналишида билим ва кўниммаларини оширишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган.

Келгусида шаҳар ёшлари ушбу ўкув марказида компьютер саводхонлиги, дастурлаш, робототехника, интернетдан фойдаланиш ҳамда бошқа бир қатор йўналишларда ўз билимларини оширадилар. Шунингдек, улар ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси инновацион ишламаларни яратиш, start-up лойиҳаларини ишлаб чиқиши жалб этилади.

А.ИСМОИЛОВ

ҚУЁШ ВА ШАМОЛ ЭНЕРГИЯСИ

(Мамлакатларда ишлаб чиқариладиган электр энергиясида қуёш ва шамол станцияларининг улуси, фоиз)

- | | |
|--------------------|----|
| 1. Германия - | 42 |
| 2. Буюк Британия - | 33 |
| 3. Австралия - | 17 |
| 4. Туркия - | 13 |
| 5. АҚШ - | 12 |
| 6. Бразилия - | 10 |
| 7. Хитой - | 10 |
| 8. Ҳиндистон - | 10 |
| 9. Япония - | 10 |

■ ЖАҲОН - 10



Манба: Ember, Statista

Ҳаракатлар стратегияси



Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 23 июн куни аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгилаши килиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йигилиши ўтказилди. Унда аҳоли мурожаатлари билан ишлашнинг бутунги ҳолати вазирлик ва худудлар кесимида муҳокама килини. Давлатимиз раҳбари одамларни мурожаат килишга мажбур этгаётган муаммоларни маҳалланинг ўзида бартараф килиш керакигини таъкидиди. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бир ҳафтада иккى кунни фуқароларни қабул килишга ажратиши, шунингдек, ҳокимликларда кунлик қабул ўйга кўйилиши белгиланди.

24 июн куни хорижий давлатлар ва хукуматлар, нуғузли ҳалқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва жамоат арбоблари Президентимиз Шавкат Мирмонович Мирзиёевининг тавалуд айёми муносабати билан таъбиқлашди. Жумладан, XХР Раиси Си Цзиньпин, Россия Президенти Владимир Путин, Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдоган, Қозогистоннинг Биринчи Президенти – Эльбоши Нурсултон Назарбев, Қозогистон Президенти Касим-Жомарт Тоқаев, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердымұхамедов, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Беларус Президенти Александр Лукашенко, Озарбайжон Президенти Илхом Алиев, Жанубий Корея Президенти Мун Чжэ Ин ва Миер Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси кутлов ўйлаптилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 28 июн куни Тошкент шаҳридаги 21-Мехрибонлик уйини бориб кўрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда яртилган шароитлар билан таниши, болаларнинг машгулотларини кўздан кечириди. Мамлакатимизда 16та Мехрибонлик уйи ва 4ta Bolalalar shaҳarchasasi bor. Ulardar 1 ming 823 nafrar ўтил-киз iшlab, ўқимкода. 86ta maxsus maktab-interpretatida 21 ming 363 nafrar bola tarbiyalanmokda. Ushbu muassasalar, sinov tariqasida, Milliy gvardiya masъulligiga ўtказилиши belgilandidi.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигига 28 июн куни ногиронлиги бўлган, ота-она қаромидан маҳрум ва етим болаларни давлат томонидан кўллаб-куватлашни кенгайтириш ҳамда ижтимоий нафакаларни тақомиллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йигилиши ўтказилиди. Унда мазкур муассасалардаги ёшларнинг таълим-тарбияси, уй ва иш билан таъминланishi dаражаси таҳтил қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июн куни Олмалик кон-металлургия комбинатининг «Ёшлик-1» конини бориб кўрди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 yil 1 мартаға қарорига мувофиқ бошланган «Ёшлик-1» конини ўзлаштириш инвестиция лойиҳасининг киймати 4 миллиард 894 миллион доллар. Ушбу улкан лойиха 2024 йилда ишга туширилиши, жами 6 mingta iш ўрни ташкил этилиши режалаштирилган. Давлатимиз раҳбаририга конининг салоҳияти, уни ўзлаштириш бўйича килинаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

IT-СОҲАДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Тошкент аҳборот технологиялари университетида Аҳборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги Ҳайъатининг кенгайтирилган мажлиси ўтказилди. Унда вазирликнинг марказий аппарати, тизимдаги корхона ва ташкилотлар, таълим мусассасалари раҳбарлари иштирюнди.

Ҳайъат йигилишини АКТ вазири, Ҳайъат раиси Ш.Содиқов олиб борди.

Мажлисада вазир ўринbosарлари, вазирлик марказий аппарати, ТАТУ, шунингдек, тизимдаги корхона ва ташкилотлар

раҳбар-ходимларининг кун тартибида белгилangan масалалар юзасидан ҳисоботлари ўтказилди. Сўнг соҳада IT-кадрларни тайёрлаш, жумладан, ТАТУ таркибидаги Ўзбек-Беларус кўшма аҳборот технологияларини чукурлаштириб ўқитишига ихтисослаштирилган мактабларни босқич-ма-босқич ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида вазири, Ҳайъат раиси Ш.Содиқов олиб борди.

Шунингдек, университетнинг янги ўкув бинolari ва бошқа обьектларини фойдаланишга топшириш, худудлarda 11ta ихтисослаштирилган IT-техникумларни ётказишини жорий этиш, ушбу йўналишда келгусидаги режалар муҳокама этилди.

Шунингдек, университетнинг янги ўкув бинolari ва бошқа обьектларини фойдаланишга топшириш, худудлarda 11ta ихтисослаштирилган IT-техникумларни ётказишини жорий этиш, ушбу йўналишда келгусидаги режалар муҳокама қилинди.

Ўтган давр мобайнида университетнинг янги ўкув бинolari ва бошқа обьектларини фойдаланишга топшириш, худудлarda 11ta ихтисослаштирилган IT-техникумларни ётказишини жорий этиш, ушбу йўналишда келгусидаги режалар муҳокама қилинди.

Ҳайъат мажлисида кўрилган масалалар юзасидан вазирликнинг тегиши бошқарма ва бўлим раҳбарлари ҳамда университет профессор-ўқитувчиларининг фикрлари тингланди. Шунингдек, университетнинг таълим сифатини янада ошириш, талабаларга сифатли билим бериш тизимини тақомиллаштириш борасида йўл кўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаг олинди.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар юзасидан вазирлик Ҳайъатининг тегиши қарори қабул қилинди.

ЯНГИЛИК

ТАТУда ПРЕСС-КЛУБ



ИШ БОШЛАДИ



Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Республикаси аҳборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазири ўринbosари Жамшид Эгамбердиев мазкур Пресс-клуб катта мулоқот майдонига айланишига тилак билдириб, ташкилотчиларга омад тилади. Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, Ҳалқаро Пресс-клуб раҳбари Шерзод Кўдратхўжа эса мазкур марказ OTMлар орасида биринчилардан бўлиб очилганини алоҳида ёзтироф этиди ҳамда ҳамкорликда жуда кўплаб лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдири.

Ҳалқаро Пресс-клуб очилганига тўрт йил бўлди, – деди Шерзод Кўдратхўжа. – Ёшлар агентлигида ҳам шундай клуб очилганди. Мана бутун олий таълим мусассасалари орасида биринчилардан бўлиб ТАТУда Пресс-клуб ташкил этилди. Хурсанд бўлдик. Бирга-

лиқда ишлаб, турли ток-шоулар ўтказишими, талаба ва ёшларга мотивация берадиган туркum лойиҳаларни амалга оширишимиз керак.

Ташкилотчиларга журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларни бериши. Тадбир якунидаги мөхонлар учун Пресс-клуб бўйлаб кичик экскурсия ташкил қилинди.

Ҳақиқатда ТАТУ медиа маркази замонавий жиҳозланган. Марказда дубляж ва овоз ёзиш студиялари, хромокей ҳамда монтаж хоналари, томоша зали мавжуд. Университет Пресс-клуби залидан тўтиридан-тўтири кўрсатувларни узатиш имконияти бор.

Пресс-клубнинг очилиш маросимида ТАТУ филиаллари вакиллари ҳам онлайн тарзда иштирок этилди.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Акмал ҚУДРАТОВ олган суратлар.

ТАДБИР

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!

UNICON.UZ – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши кураши» фоалиятини самарали ташкил этишига доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида ги қарори лойиҳаси мазмун-моҳияти юзасидан йигилиши бўлиб ўтди. Тадбирни корхона юрист-консульти Ф.Шамсудинова олиб борди.

Тадбирда Коррупцияга қарши ку-

рашиш агентлигининг «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишида айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри», уларга кўйилган таъкидларни ҳамда мол-мulkни мажбурий декларация килиш тизими ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши мурносасиз муносабатда бўлиш мухтишини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупция-

вий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштироқини кенгайтириш чора-тадбирлари тўтиришида ги фармони ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилишини самарали ташкил этиши тизимини жорий этиши ҳақида атрофлича тўхтаб ўтилди.

Севара САЙДУМАРОВА, UNICON.UZ етакчи мұхандиси

СОҲА КОРХОНАЛАРИДА

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ: РИВОЖЛАНИШ САРИ ЯНГИ ОДИМЛАР

Гибрид почта,
рақамлаштириш,
Neopost...

1

“Гибрид почта”дан фойдаланиш мақсадида 50дан ортиқ ташкилотлар билан шартномалар тузилид. Шунингдек, ушбу хизматни ривожлантириш, жараёнлар самарадорлигини ошириш ва почта жўнатмалари билан ишлашда кўл меҳнатини камайтириш учун автоматик конвертация қилишга мўлжалланган иккита Neopost курилмаси харид қилинди. Курилмалар ҳозирда пойтахтизимда сони тартибида ишлатилмоқда.

Бундан ташқари, миқоъларнинг ўзига ўзи хизмат кўрсатиши учун мўлжалланган зота автоматаштирилган мажмуалар (почтаматлар) сотиб олинни, Андикон, Бухоро, Гулистан, Жиззах, Нукус, Навоий, Самарқанд, Наманган, Фарғона, Карши, Урганч, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг аҳоли зич жойлашган 13та почта алоқаси обьектларида ўрнатилди. Хозирги кунда уларни тармоқка улаш ишлана олиб борилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, жамиятнинг “Халқаро почтамт” филиалида логистика марказини ташкил этиш бўйича ишлар бошланган. Почта алоқаси обьектларини замонавий компютер техникаси ва мобил курилмалар билан таъминлаш учун дюта компютер, 88та принтер, 295 кўп функцияларни курилма харид қилинди. Шу билан бирга, 263та почта обьектига 395,58 километр оптик толали алоқа линиялари тортилди.

Онлайн савдо такомиллашмоқда

Жорий йилнинг феврал ойида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар махсулотларини онлайн сотиш



ва уларни мижозларга тест тартибида етказиб беришни ташкил этиш мақсадида март ойидан бошлаб UNISAVDO миллий онлайн савдо майдончasi тўлиқ ишга туширилди. Май ойида эса савдо майдончасининг мобил иловаси тақдим этилди. Хозирги кунда 300 нафар тадбиркор билан UNISAVDO онлайн савдо майдончасида ўз махсулотларини жойлаштириш бўйича шартномалар имзоланган бўлиб, 10 мингга яқин турдаги махсулотлар жойлаштирилган. Ишлаб чиқарувчиларга махсулотларни саклаш, қадоқлаш ва зудлик билан буюртмачиларга етказиб бериш имкониятларини яратиш мақсадида жорий йил охиригача Тошкентда, Андикон вилоятининг Асака туманида, Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ва Урганч шаҳрида тўртта логистика марказини ташкил этиш вазифалари белгилаб олинди.

Почта хизматлари ва АҚТ

– Бугунги кунимизни ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур қилиш имкониз, почта хизматлари ҳам бундан мустасно эмас, – дейди “Ўзбекистон почтаси” АЖ бош директори ва-

зифасини бажарувчиси Алишер Файзуллаев. – Шу сабабли анъанавий почта хизматларини рақамлаштириш, почта жўнатмаларини қабул қилиш, мониторингини олиб бориш ва етказиб бериш жараёнларини такомиллаштириш учун почта хизматлари жараёнларини автоматлаштириш тизими ишлаб чиқилмоқда. Қабул қилиш, танлаш ва онлайн мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими жорий йилнинг 17 май куни Тошкент шаҳрида тест тартибида иш бошлади.

Миллий почта алоқа оператори раҳбарининг таъкидича, соҳа обьектларида банк хизматларини кўрсатиши мақсадида “Алоказабанк” билан шартнома имзоланган бўлиб, жорий йилнинг 1 февралдан бошлаб 503 почта алоқаси обьектидан банк карталарини тўлдириш ва пулларни нақдлаштириш хизматлари йўлга кўйилди.

Хозирги кунда мамлакатимиз бўйлаб 812ta почта алоқаси обьектida ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 33ta яқин турдаги давлат хизматлари кўрсатилмоқда. 110ta почта биноси ни замон талабларига мос равишда реконструкция қилиш учун рўйхатлар шакллантирилди. 140ta почта

алоқаси обьектидаги тегишли ишлар аллақа-чон бошланган.

Бундан ташқари, почта алоқаси хизмати кўрсатиладиган аҳоли учун кул ҳудудларда – Сурхондарё (шта), Навоий (шта) ва Сирдарё (битта) вилоятларида енгил конструкцияли 19ta алоқа бўлими жойлаштирилган.

Ходимлар малакасини ошириш

Бугунги кунда “Ўзбекистон почтаси” АЖнинг 1796ta почта бўлимиларида 7929 нафар ходим меҳнат қилимокда. Почта алоқаси обьектларида янги хизмат турларини жорий этишини ҳисобга олган холда “Алоказабанк”, “Электрон хукумат” лойиҳаларни бошқариш маркази, IT-Парк билан ҳамкорликда ходимлар учун ўкув курслари ташкил этилди. Хозиргача 2894 почта хизмати ходими малака ошириш.

Почта соҳасида амалга оширилаётган ушбу ислоҳотлар ҳар то-монлама мазмун-моҳият касб этиб, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, уларга қўшимча куйлайликлар яратишга қаратилган.

**Усмонжон Йўлдошев
тайёрлди**

САЙЁР ҚАБУЛ

МУАММОЛАРГА ЕЧИМЛАР ТОПИЛДИ

Кашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида ҳам ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш соҳасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳоли ва мавжуд муассасаларда ийнелиб қолган муаммоларни бартаараф этиш мақсадида туманда ташкил этилган саёр қабулда АҚТ мутасаддилари ечишлар, келгусидаги йирик лойиҳаларга тўхвалиши.

Рақам ва таҳлилар шунун кўрсатдиги, туманда 46ta МФЙ ва 113ta аҳоли яшаш масканлари мавжуд бўлиб, шундан 81таси алоқа ва 86таси кенголосали интернет хизматлари билан қамраб олинган. Туманинг Обиравон, Консой, Оққўл, Найман, Кўйкар, Чўбин, Кўлқамиш, Жингил, Гинжакан каби узоқ аҳоли масканлари мобил алоқа қамрови мавжуд бўлмаган тоифага кирилди. Аҳолига кенголосали интернет хизматларини кўрсатиш мақсадида туманда умумий монтаж сигими жами 2672 рақами кенголосали курилмалар ўрнатилиб, фойдаланувчилар сони 1349тани ташкил этмоқда.

САЙЁР ҚАБУЛ

Саёр қабулда 2020-2021 йилларда ижтимоий соҳа обьектларига 96ta (99 фойз), ҳалқ таълими обьектларига 130,9 км., 10та мактабгача таълим ташкилотларига 5,2 км., 23та соғлики саклаш муассасаларига 20,8 км., жами 156,9 км. ОТАЛ тортилиб, интернет хизматига уланганлиги эътироф этилди.

Шунингдек, аҳолига почта ва курерлик хизматларини кўрсатиш учун “Ўзбекистон почтаси” АЖ Қашқадарё филиалига қараши Корашина ПАБ ва 13ta алоқа бўлими мавжуд бўлиб, жисмоний ҳамда юридик шахслар учун пул ўтказмаларини қабул қилиш ва тўлаш, почта жўнатмаларини рўйхатга олиш, йўл патрул хизмати томонидан юборилган хатларни дастурга тушариш, аҳолидан коммунал, жумладан, электр энергия, табии газ ва ичилик суи ҳамда UZDIGITAL TV, UMS тўловларини қабул қилиш хизматлари йўлга қўйилган. Тармоқ орқали мобил алоқа компаниялари SIM-карталарини сотиш имкониятлари яратилган.

Аҳолини рақамили теледастурлар билан қамраб олиш мақсадида эса ююри қувватли иккита (Одамтош, Кўксой) ҳамда кам қувватли зота РТС орқали телевидение хизматларини кўрсатилмоқда. Бу дегани ҳудуд 100 фойз рақамли телерадиодастурлар билан қамраб олинган.

Бундан ташқари, саёр қабулда жорий йил давомида Деҳқонобод туманида Телекоммуникация транспорт тармоги ўтказувчиларни қобилиятини вилоят маркази даражасида 60 Гбит/секундча ошириш, вилоятдаги 17ta маҳалла фуқаролар йигинлари бинопарининг белгилантан тартибида ююри тезлиқдаги интернет хизматларига уланиши ҳамда барча почта алоқа бўлимиларида аҳолига давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти яратилиши, туман марказида Информатика ва ахборот технологияларига ихтиослашмаг мактаб ташкил этилиши бораисидаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши таъкидланди.

Мутасаддилар саёр қабулда мурожаатчиларни қизиқтириган саволларига атрофлича жавоб берисиди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Хабар”нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири**

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР

Сурайё АКРАМХАНОВА:

МОЛЕКУЛЯР БИОТЕХНОЛОГИЯ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ҲАМ ЖУДА МУҲИМ

Лойиҳамиздаги бу галги сұхбатдош Швейцариянинг нұфузлы ETH Zürich Федерал технология институты Биотехнология йўналиши магистранти Сурайё АКРАМХАНОВА бўлди. У билан сұхбатимиз Швейцариядаги таълим, нега биотехнология йўналишини танлашни, Ўзбекистонда эътибор қаратиш зарур бўлган масалалар ва шу каби бошқа мавзуларда кечди.

Ўзимни бу соҳаларда кўрмаслигимни англаб етдим

Тошкент шаҳридаги 171-мактабда ўқиганиман. Сўнг Тошкентдаги Халқaro Вестминстер университети қошидаги академик лицейни битирганиман. 2019 йили эса Янги Зеландияда жойлашган Оtago университетининг молекуляр биотехнология йўналиши бўйича бакалавр даражасини кўлга киритдим.

Бакалавриат пайтида талабалар алмашуви дастури бўйича Даниядаги Копенгаген университетидаги ярим таълим олганман. Xозир Швейцариядаги ETH Zürich (Eidgenössische Technische Hochschule Zürich) Федерал технология институтидаги биотехнология мутахассислигига таҳсил оляпман.

Биотехнология йўналишини танлашимга эса бир нечта сабаблар бор. Xусусан, мактаб пайтидан информатика ва биология фанларига кизиқар эдим. Биология фанидан олимпиадаларда муваффақияти иштирок этиб келганман.

Лицейнинг охиги Йилида Тошкентдаги Халқaro Вестминстер университетидаги Foundation Йилини ўқиш имкониятидан фойдаланиб, кейинчалик IT-соҳасидаги мутахассис бўлишини режалаштиргандим. Шу йил мобайнида ўзимни бизнес, бизнесдаги ахборот тизимлари ва иктиносидёт соҳаларида синаб кўрдим, афуски ўзимни бу соҳаларда кўрмаслигими англаб етдим.

Аннигроғи, мен шу соҳалар ёрдамида инсонларга ва дунёга қандай фойда келтира оламан, деган саволга ўзимда жавоб тополмадим. Шунда университетдан бир йилик академик таътил олган холда чет эл университетларига биотехнология йўналишига кужжат жўнатишни бошладим ва ниятимга эришдим.

Дарс бериш жараённида мустақил фикр рагбатлантирилади

Янги Зеландия, яъни кучли илмий тадқиқот олиб бораётган таълим мусасаси мухитидаги бўлганнам учун магистратура босқичи учун ҳам, сўнгги инновациян тадқиқотлар бўйича билим берадиган ва амалий кўйлланмаларга эътибор қаратадиган олий таълим мусасасалари гужжат топширишини бошладим. Бер нечта олийгоҳларга кириш синов ва сұхбатларидан ўтгандан сўнг танловим дунё миқёсида табиий фанлар ва мухандислик бўйича кучли саналган Швейцариядаги ETH Zürich университетига тушди. У ергага ўкув дастури менга қизиқ бўлган ҳамма жиҳатларни ўзида камрад олган. Мисол учун, интенсив равишда молекуляр биология, мухандислик ва дастурлаш каби турли жиҳатларни



бирапштирган ҳолда биологик аҳамиятга эга бўлган саволларга ечим топиш. Бу мени ҳам кентрок фикрлаш, ҳам кичик тағсилотларни кўздан қочирмасдан, уларни турлича ёндашув билан талқин этишга ундиши. Ана шу хусусиятлари билан Швейцария таълимни бутун дунёга машҳур.

Шу ерга келиб ўкув тизимида сифат, айниқса, мухим эканлигини кўрдим. Бу ерда профессорлар билан очик мулокотда бўлиш, турли масалаларда фикр билдириш, унвонсиз исм билан мурожаат килиш, дарс берish жараёнидаги камчиликларни, таклифларни очик-ойдин ўтга чиқаришга рабтлантирилади. Иккита томонлома ўз устидаги ишлар мухити яратилган. Айниқса, бизнинг университетдаги расмий равишда таътил белгиланмаган. Имтиҳонлар кишига – дебкар ва феврал ойларида, ёзда эса июн ва август ойларда ўтказилади. Талабалардан ўқишига мушакқат билан ёндашиш ве изланнишдан тўхтамаслик кутилади.

Алберт Эйнштейн ҳам ушбу университетда таҳсил олган

ETH Zürich 1854 йили ташкил этилган бўлиб, илм, технология, мухандислик ва математика (STEM) соҳаларига йўналтирилган. ETH Zürich 2021 QS World University Rankings жадвалида 6-уринда туради.

2019 йилги маълумотларга кўра, 21га Нобел лауреати, иккита Fields Medalists (нұфузли математика соворини), иккита Pritzker Prize совирондори (нұфузли меъморчилик соворини) ва битта Turing Award совирондори (нұфузли дастурлаш/хисоблаш соворини) университеттега алоқодор бўлган, шу жумладан, Алберт Эйнштейн ҳам ушбу университетда таҳсил олган.

6000 йил олдин асос солинган

Биотехнология тез ривожланаётган соҳалардан бири. Атаманинг ўзи нисбатан янги бўлса-да, унга 6000 йил олдин асос солинган. Тарихдаги биринчи мисолларни кишилук хўжалиги ва ферментация орқали озиқ-овқатлар (пишлок, нон, пиво) ишлаб чиқариш деб келтирса бўлади.

Хозирги кунда биотехнология ҳаётимизнинг кўп жабҳаларида мухим аҳамиятга эга. Бу кишилук хўжалигидаги энг яхши хосил берадиган мева, сабзавот экинларини саралаб олиш, турли икким шароитига мослаштириш учун трансген

(генетик ўзгартиришлар киритилган) эга бўлган саволларга ечим топиш. Бу синоатда ишлаб чиқариш унумдорлигинга яхшилаш, пишлок ва баъзи бир ичимликларни тайёрлаш, бу жараёнларда зарарли организмларга қарши чора топиш, курғокчил елар ва чўллар вазиятини назорат қилиш ва маҳсус ўсимликлар ўстириш, чиқинди ва ифлостинши муммаларни ечим. Ва албатт тиббёт ҳамда фармацевтика синоати ва соғиқнинг сақлай таромогида аҳамияти катта. Айниқса, ҳозирги пандемия даврида буни кўриш мумкин. Вакцина, антибиотиклар, дори воситаларни яратиш, янги диагностика ва терапия усулларини кашф этиши ҳамда сунъий азолар ўстириш, булар ҳаммаси биотехнология ва биология фани бўйлумлари орқали содир бўлади. Кўриг турганингиздек, бу соҳа ўзбекистон учун ҳам жуда мухим.

Магистратурдаги илмий ишимини ҳали бошладамид, лекин функционал геномика ва ирсий касалликлар билан бўғлиқ илмий ишларни қизиқсан билан кутизид бораётман. Xозир илдиз куҳжалардан мия органони (сунъий орган) ўстириш бўйича кичикроқ амалий лойиҳамни бошлаш арафасидаман.

Мактаб пайтидан камидга учта тилни ўзлаштиришади

Таълим тизимида ўрганишимиз мумкин бўлган кўплаб жиҳатлар борлиги хақида гапирмоқчиман. Бу, авваламбор, ўқитувчиларга бўлган хурмат ва улар оладиган маошлар. Мактабларда ўқувчиликлар учун фанлар танлаш ва креатив фикрлар имкониятини берилади, бўлаликтан жамоатчилик ишлари мухимлигин ўргатиб, мустақил жамоатчилик лойиҳаларига қўшилиши имкони. Тил ўрганишига бўлган ўзгибори алоҳидага таъкидламоқчиман. Швейцариядага тўртта давлат тили мавжуд бўлиб, болалар мактаб пайтидан камидга учта тилни ўзлаштиришади.

Яна бир қизиқарли ва ижобий тарифини референдум тизимида кўрдим. Швейцарияда жамиятга алоқадор бўлган масалаларни референдум орқали ҳал қилиш экан. Бу нафақат Конституцияга ўзгартиришлар киритиш, балки оддий конуналар қабул қилиш ва кантон (вилоят) бюджети нима учун сарфланниши. Масалан, минимал маош миқдорини ошириш ёки оширмаслик, маълум бир маблағта қўшимча ҳарбий самолёт олиш, маълум маблағни ичимлик сувининг тозарок, бўлишига сарфлаш каби оддий муммалор ҳам референдумга чиқарилади. Бундай тадбирлар нафақат демократия-

ни мустаҳкамлайди, балки фуқароларни ўз юритига бефарқ қолмаслиқга ўргатиб, жамоатчилик онгини ўйготади.

Инвестицияга муҳтоҷ бўлган кўплаб соҳаларимиз бор

Афуски, Ўзбекистонда ҳалигача инвестицияга муҳтоҷ бўлган кўплаб соҳаларимиз бор. Масалан, жамиятимизда кўпайиб бораётган саратор сасаллиги, уни скрининг қилиш ва олдини олиш чора-тадбирларини ривожлантириш, бизнинг икиммизимиз ва яшаш тарзимиздан келиб чиқиб, сараторни олиб бораётган сабабларни белгилаб, уларга даво топиш масалаларига ўтибормизни қаратишмиз керак.

Кўплаб инвестициялар даромади тезроқ бўлган қурилиш, бизнес соҳаларига эжратилади, лекин ўйлаб кўрилса, илм-фанга маблағ ва ресурс тикиш узоқ муддатли даромад келтиради. Озиқовдаги етишмовчилиги, ўзгаравётган икlim икиммизимиз муммоси, маҳаллий бўлмаган ўсимликларнинг кўпайиши, биология парчаландиган материаллардан фойдаланмаслиги оқибатида атроф-муҳит ифлосланниши, келажак авлод соғилиги каби муммалорни бартараф этиши давлат учун узоқ муддатли фойда келтиради.

Ривожланишга тўсқинликни яна хотин-қизларни ҳар доим ҳам билим олиб, ўзлари ёқтирган касб эгалари бўлишлари учун етарича рабтлантири-маслигимизда кўраман. Айниқса, илм, технология, мухандислик ва математика соҳаларида. Ваҳоланки, мактабда аълочи қизларимиз жуда кўп бўлади. Бунда мухит, имкониятлар ва атроф-гиларнинг кўплаб-куватлаши катта аҳамиятига эга.

Мен ўзимни зиёли ва билим олишни кўллайдиган оиласдан эканлигим учун омадли деб биламан. Доимо дастак бўлган ота-онам, биология фанига меҳрургини қадаган мактабдаги биология фани ўқитувчим Надежда Евгениевна ва дўстларим кўплаб-куватлашгани учун, қобилиятимга ишонишгани учун билимим билан бошқаларга ёрдам берадиган соҳадаман. Шундай шароитлар оиласларда ўғил болалар қаторида юртимиздаги барча қизлар учун ҳам яратилса, кўплаб билимли, савиаси баланд, юрт ривожига хисса қўшадиган кадрлар этишигаришмиз мумкин бўлар эди.

Биотехнология ва тиббиёт муҳокама қилинадиган платформа яратмоқчиман

Бакалавриатда бирга ўқиган дугонам билан инглиз тилида блог орқали одамларга ўз соҳамизни тушунтириб, мураккаб атамалар билан ёзилган мақолаларни оддий тилда етказиб бериб турамиз. Шунга ўшаш одамларнинг маъорифини оширадиган, сараторни кўзғатувчи омиллар, вақцина, қариндошлар ўртасидаги никош оқибатлари, ГМО маҳсулотлари, генетика, генетик касалликлар, биотехнология ва тиббиётга оид мавзулар очик-ойдин муҳокама қилинадиган платформани ўзимизда – Ўзбекистонда яратиб кўриш революцияни мавжудлаштиришади.

Нурилло Тўхтасинов
сұхбатлашы

ПАНДЕМИЯ

УЗБЕКИСТАН ПРИСОЕДИНЯЛСЯ К «ПУТЕШЕСТВИЮ БЕЗ COVID-19»

Лаборатории Узбекистана присоединились к приложению «Путешествую без COVID-19». Сдать ПЦР-тест можно уже в 87 пунктах забора биоматериала, сообщает пресс-служба Фонда цифровых инициатив Евразийского банка развития (ФЦИ ЕАБР), разработавшего сервис. С полным перечнем ближайших пунктов пользователи могут ознакомиться в приложении.

С 1 сентября 2021 года использование приложения «Путешествую без COVID-19» станет обязательным для прибывающих в Россию с территории Азербайджана, Молдовы, Узбекистана, Таджикистана и Туркменистана.

Сегодня приложение уже активно используется для въезда в Россию из стран-членов ЕАЭС: Армении, Белоруссии, Казахстана и Киргизии. Пользователи скачали приложение более 530 тыс. раз и получили через него более 600 тыс. результатов ПЦР-тестов.

Все сведения остаются только на национальном уровне, где проводилось тестирование. Благодаря этому обработка персональных данных осуществляется исключительно в соответствии с национальными законодательствами.

**НОВИНКА!**

ПРЕДСТАВЛЕН СВЕРХПРОЧНЫЙ СМАРТФОН NOKIA XR20

Компания HMD Global представила устройство Nokia XR20 — сверхпрочный смартфон с долгим сроком поддержки всех актуальных обновлений.

Как утверждается, экстремальные температуры, падение с высоты 1,8 м, 1 час под водой — и это еще не все жесткие испытания, к которым готов этот смартфон.

